

# ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan



2024-yil 20-mart, chorshanba



№ 13 (24933)

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## ФАРҒОНАДА НАВРЎЗИ ОЛАМ ШОДИЁНАЛАРИ



Кеча Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номли театр-концерт саройи олд майдонида минглаб фарғоналиклар ва шаҳримиз меҳмонлари Наврўзи олам шодиёналарини кўтаринки руҳда, байрамона нишонладилар.



Майдонда санъаткорлар, дорбозларнинг чиқишлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, тадбиркорлар ва хунарманд усталарининг кўргазмалари намойиш этилди. Баҳор, тинчлик, дўстлик, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи лапар ва ўланлар, айтишувлар, шеърхонлик, болалар рақс дасталарининг чиқишлари байрамга файз бағишлади.

Наврўзи олам тантаналари бўлиб ўтадиган асосий майдон табаррук нурунийлар, аёллар ва ёшлар вакиллари, илм-фан намояндлари, зиёлилар ва ишлаб чиқариш илғорлари билан тўлди. Мониторларда фабли навбахор таровати акс этади, дилрабо кўшиқлар жаранг сочди.

Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган Наврўзи оламнинг қадами юртимизга кутлуғ келсин. Ҳар кунимиз шундай гўзал байрамларга, тантаналарга бой бўлсин, – деди Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров юртдошларимизга байрам табригида. – Улуғ айём бу йил шаҳар ва қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари тарзида ўтаётгани ўзгача файз

ва шуқуҳ бағишламоқда. Сиз азизларни, сизлар орқали вилоятимиз аҳлини шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Саховат ва муруват байрами кунларида вилоятимизнинг барча маҳаллаларида кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, улар учун ифторлик дастурхонлари ташкил этилмоқда. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлган жойда тинчлик, ободлик бўлади. Наврўз байрамининг нишонланиши замирида ҳам меҳр-оқибат, боқий қадриятлар, фазилатлар мужжасам.

Саҳнада театрлаштирилган байрам томошалари, жажжи ўғил-қизларнинг кўшиқ ва рақслари, республика ва вилоятимиз санъат усталари, эстрада хонандалари Илҳомжон Иброҳимов, Қиличбек Тожиев, Отабек Муҳаммадзоҳид, Ботир Қодиров, Ёрқинхўжа Умаров, Зиёда Қобилова ва ёш ижрочиларнинг кўшиқлари қатнашчиларга байрамона кайфият улашди.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.  
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



## «Садои Фарғона» – «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 110 йиллигига

# ДАВР, ЖАМИЯТ, ГАЗЕТА

Хуршид  
ДЎСТМУҲАММАД,  
филология фанлари  
доктори, профессор

Ҳар бир газета бамисоли тирик жон, тирик организм — туғилади, вояга етади, яшайди, шу билан бир вақтда унинг равнақ топиши, гуллаб-яшнаши ва қанчалар узок умр кечириши жуда-жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб қолади. Бунинг сабаби чуқур.

Газетанинг ҳаёти жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқликда кечади. Жамиятнинг бирор-бир соҳаси, бирор-бир воқеа-ҳодисаси газетанинг диққат-эътиборидан четда қолмайди. Яхшиси ҳам, ёмони ҳам. Аччиғи ҳам, чучуғи ҳам. Қувончу қайғуси ҳам. "Нега уни ёзиб чиқдинг? Нима учун фалонни ёзиб эл-юртга ошкор қилдинг?" деб дўқ-пўписа қилиш, гина-қудуратга бориш "ГАЗЕТА"

отлиқ мўъжизанинг табиатини, вазифасини, миссиясини тушунмаслик, англаб етмасликдан ўзга нарса эмас. Оммавий ахборот воситаларининг байроқлари, етакчиси бўлмиш газетанинг бошига не кунлар тушса, бари унинг табиатига, вазифаси ва миссиясига бориб тақалади.

Газета бўйсунмас мавжудот, ўзар, қайсар, ўз билганидан қолмайдиган махлуқ. Унинг битта-ю битта дўсти

бор — ҳақиқат! Мезони — виждон! У ўзи яшаб турган жамиятнинг кўзгуси, бинобарин, борни бор дейди, йўқни йўқ. Дунёдаги қайси газетанинг бошига не кўргуликлар тушган бўлса, ҳамма-хаммаси ушбу санаб ўтилган хусусиятлар туфайли, ушбу фазилатлар... йўқ, фазилат демайлик, тақрор бўлса-да, таъкидлалик: газетанинг қисмати шу, унинг пешонасидаги ёзиғи мана шу!

# ОБОДЛИК – кўнгилдан бошланади

Юртимизга баҳор ўз сепини ёйиб, барча жойда фаслнинг бош байрами – Наврўзи оламга тараддуд ишлари бошланиб кетди. Бу қадимий байрамни ёшу қари сабрсизлик билан кутади, кўкламга етганига чексиз шукроналар айтади. Маҳаллалар, хонадонларда байрам нафаси уфуриб, баҳорий таомлар пиширилади, дошқозонларда сумалак қайнайди, дилларда яришири, янгиланиш кайфияти ҳукм суради.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 4 март куни "2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда "Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки рух билан кенг нишонланади.

дек, шаҳар-туманлар марказларида, боғ ва хиёбонларда халқ сайли сифатида ташкил этилади.

Наврўз тантаналарида

қадимий урф-одатларимиз, халқ ўйинлари ўз ифодасини топади, миллий куй ва кўшиқлар, ўлан ва лапарлар жанрлар сочади. Фарғона шаҳри ва туман марказларининг бош майдонларида, боғ ва хиёбонларида театрлаштирилган бадиий томошалар, дор ўйинлари, фольклор гуруҳлари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари, шунингдек, истеъдодли анъанавий ижрочилар ва эстрада хонадаларининг чиқишлари ташкил этилади. Жойларда бўлиб ўтаётган халқ сайиллари одамларга йилга татигулик олам-олам кувонч бахш этади.

Наврўз – деҳқончилик юмушларининг бошланиши демак. Бободоҳон халқнинг ризқ-рўзини яратини умидида ерга уруғ ташлайди. Боғ ва гулзорларига шакл беради, ҳовли-жойларни, кўчаларни орасталади.

Янги боғлар ташкил этилади, йўл бўйларига, дала четларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади, сув йўлларини тозалайди. Юртни ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш ишлари умумхалқ ҳашарига айланади.

Ободлик – кўнгилдан бошланади. Наврўз байрами кунларида меҳр-мурувват, ерданга мухтожлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни, якка-ёлғизларни йўқлаш, кўнгилларини обод этиш, баҳорий кайфият улашиш азалий қадриятларимиздан саналади. Маҳалла фаоллари ҳар йилгидек бўй йил ҳам хайрли ва эзгу амалларга бош-қош бўладилар.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳеч ким Баҳор наҳидасидан, кўккалам суруридан, Наврўз неъматларидан бебаҳра қолмайди.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

# Ўзбекистонда АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ Йиллари маълум қилинди

Жорий йил 4 март куни "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинган эди.



Мазкур қарор билан расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича "йўл харитаси"да тасдиқланган. Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги 2025–2026 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Жорий йил давомида агентлик аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларини давом эттиради. Жумладан, агентликка аҳолини рўйхатга олишни аҳолининг кенг оmmasига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрлаш, 2021 йилда ўтказилган синов натижалари ва халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари такомиллаштириш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, агентлик халқаро тажриба ва экспертларнинг тавсиялари асосида "Аҳолини рўйхатга олиш" ахборот тизимини такомиллаштириш ва рўйхатга олиш натижалари чиқувчи жадваллар намуналарини шакллантириш, шунингдек, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини

ишлаб чиқиши керак.

Аҳолини рўйхатга олиш эса 2025–2026 йилларда ўтказилиши, натижалари эса 2026–2027 йилларда тайёрланиши ва эълон қилиниши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 2025 йил охиригача Статистика агентлиги қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиши керак. Бу мамлакат аграр секторининг ҳолатини — ер участкалари ҳажми, ер эгаллиги, ердан фойдаланиш турлари, майдонлар, суғориш, чорва моллари, жалб қилинган меҳнат ва бошқа қишлоқ хўжалиги ресурсларини акс эттирувчи тадқиқотдир.

2027–2028 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилган. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ўзбекистонда 34 йилдан буён аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Пандемия сабабли у 2022 йилдан 2023 йил ноябрга қўчирилган эди.

Ш. МАМАТУРОВА,  
Ў.А.

# ДАВР, ЖАМИЯТ, ГАЗЕТА

Замонавий оммавий ахборот воситалари минтақамизда вузудга келганига тахминан 150 йил бўлди. Бундай қараганда, у қадар узок давр эмас, аммо-лекин шу йиллар мобайнида минтақамиз, жумладан, мамлакатимиз озмунча ижтимоий-сиёсий тўлғанишларни бошдан кечирдимми? Сиеъат ўзгарди, мафкура ўзгарди, давр ўзгарди, шунга яраша матбуот ҳам кўндан-кўп ўзгаришларга учради. Ана шундай ўзгаришлар тўлқинида нима учун журналист ўзгармаслиги керак?! Таъна ва таъкид тўла савол давом эттирилса, тасаввурга сизгаси ушбу ўзгаришлар силсиласи жараёнини тўғри, саводли, маърифатли ва янада муҳими, холис англаб етиш кенг оммани, ҳукмрон-раҳбарий сиймоларни озмунча мураккабдан-мураккаб вазиятларга солиб келмоқдами?!



Газетанинг биринчи сониди муҳаррир Обиджон Маҳмудов мақсадини очик-ойдин ёзди: "...халқимизга кўлимиздан келган қадар хизмат этмақдир".

"Халқимизга хизмат этмак" деган жумлага ҳам ойдинлик киритишга тўғри келади. Бунинг учун ўша даврни, миллий ва хорижий воқеликларни, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, мафкуравий ва ҳоказо аҳволларини бир қадар бўлса-да, тасаввур қилмоғимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ўртасида амалга оширилиши зарур бўлган муаммолар шу қадар қалашиб кетганки, шунга тўғри ёндашган "Садои Фарғона"нинг ҳам иши-юмуши бошидан ошиб-тошган. Шундай экан, газетанинг биринчи сониди чоп этилган куйидаги сўзларга эътибор қаратайлик: "Дардимиз — бир, касалимиз ҳам — бир, даво ва дармонимиз ҳам бирдур".

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, зеро, газета қайси замон ва қайси маконда фаолият юритмасин, у авваламбор халқиники, у халқ учун нашр этилади, шундай экан, унинг бутун туриши-турмуши, тутумлари, мақсад-вазифалари кенг омманинг қизиқиш ва манфаатларига ҳамоҳанг, вобаста бўлиб қолаверади.

"Садои Фарғона" газетасининг 2-сонидан олинган куйидаги сўзларга эътибор қаратайлик: "Газета бир

идораи умумийдир, ҳар ким ҳаёлига келгон фикрини майдонга чиқариб ёзмакга ҳақи бор". Биз замонавий сўз эркинлиги тизимлари, матбуот эркинлиги, яъни демократия қадриятлари Фарғона пайдо бўлган, демократиянинг отаси — ўчоғи Фарбий минтақаларда деган таассуротлардан воз кечолмаймиз. Ваҳоланки, мана шу олинган иқтибосга теранроқ, чуқурроқ разм солайлик. Қайси қадриятлар назарда тутилмоқда мазкур сўзларда?

Газета — умумнинг мулк эканлиги, унинг саҳифаларида ҳар қандай фикрни майдонга ташлашга, яъни кенг омма эътиборига ҳавола қилмоққа даъват этилмоқда. Демократиянинг ўзағи, умуртқаси ҳам шу эмасми?! Матбуотни шу йўлда "инсонни қомил" қилувчи дорилфунунга айлантириш нияти, мақсади, орзуси ётибди!

"Садои Фарғона"нинг 123 сони дунё юзини кўрди, охириги сони 1915 йилнинг 6 июнида чиқди.

Ҷоғиштирайлик: "Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2023 йил 29 декабрь сониди таҳририят жамоасининг "Сарҳисоб"и эълон қилинди. Жамоа ўз муштарийлари, мухлислари олдида ҳисобот бермоқда. "Ўтган йил бошда, — деб ёзадилар унда, — берган вазъдамиз — ижтимоий-маърифий, тарихий, халқаро ҳаёт ва даврнинг долзарб муаммолари ечимига бағишланган, вилоят ва мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеалар тафсилоти, танқидий-таҳлилий, бадиий-публицистик мақолалар, шеър ҳамда ҳикоялар ва бошқа кўплаб мавзулардаги чиқишларимиз билан маънавий озуқа улашишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик".

Газета саҳифаларидан тушмаган рўқналарга кўз югуртирайлик: "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур", "Аччиқ аммо очик гаплар", "Сиз нима дейсиз?", "Газетхон фикри", "Ёдимиздан йирок одамлар", "Тарихга назар", "Муҳбиримиз муаммо кўяди", "Жума сабоқлари", "Яхшилардан сўз очдик", "Жамият оғриғи", "Қишлоқларни яёв кезганда", "Сиз кутган суҳбат".

Санаб ўтилган рўқналар остида эълон қилинган чиқишларни мутолаа қилишдан туғилган таассуротлар баёнига киришилса, муболағасиз, бир китобга жо бўлади. Бутунги "Фарғона ҳақиқати" билан бундан 110 йил муқаддам чоп этилган "Садои Фарғона" газетаси жамоаси дилига туккан мақсад ёнма-ён қўйилса, холис назарнинг ҳоҳ ташланса, қанчалар ўхшашлик, қанчалар яқинлик, қанчалар эзгулик кўзга яққол ташланади. Давр бошқа, замон бошқа, жамият ва мафкурадор хилма-хил, лекин эзгу мақсад бир: одамларни хабардор қилиш ва "инсонни қомил" қилиш! Тўғри, ҳозирги замон истақлари ва имкониятлари билан бир аср бурунги ҳолат ўртасига тенглик аломатини қўйиш мантисиз, албатта. "Фарғона ҳақиқати" қамровни шу қадар кенг олганки, бундай миқёсда фаолият юритишга мамлакатимиздаги вилоят газеталари эмас, республика миқёсдада чоп этиладиган кўплаб нашрлар ҳам ҳавас қилса арзийди. Зеро, газета нафақат вилоят, балки Фарғона водийси ҳаётини қамраб олишга жазм этган ("Водий овози" саҳифаси), бу билан ҳам кифояланмай, мамлакатимизда, қолаверса, дунёда кечаётган муҳимдан-муҳим

воқеаларни қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Аввало, бир вилоят газетаси миқёсдада шунча масалани зиммага олиш нақадар осон эмаслигини қалам аҳли яхши билади, тушунган одам тушунади, бироқ замон бошқа, одамлар бошқа, тафаккурлар мутлақо ўзгача. Ҳозир энг тақчил нарса — ахборот. Ахборот қанчалик кўп берилса, у шунчалар озлик қилаётган даврда яшаб турибмиз. "Фарғона ҳақиқати" таҳлавларини арақлаган ҳар қандай тадқиқотчи, илмий тилда айтганда, таҳририят ижодий жамоаси минимал имкониятлардан максимал фойдаланаётганини кўриши қийин эмас.

"Фарғона ҳақиқати" ана шундай миқёсларда фаолиятни йўлга қўйган вилоят зиёлиларининг, Фарғона вилояти интеллектуал-ижодий дунёси вакилларининг албатта, вилоят раҳбариятининг эътибори, мадади ва қўллаб-қувватлаши меваси эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Шу ўринда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ фарғоналик журналистлар Хиндистон сафарига бориб келишгани алоҳида воқеа эканлигини таъкидламоғимиз зарур. Ушбу ўзига хос сафар асосида вилоят ҳокими Хайрулла Бозоровнинг мақоласи Хиндистон матбуотида, Хиндистоннинг Ўзбекистондаги собик элчиси Сканд Ранжаи Тайланднинг мақоласи "Фарғона ҳақиқати" газетасида эълон қилингани чинакам маънода тарихий воқеадир.

Устоз Бойбўта Дўстқорев "Садои Фарғона" газетасининг 1914 йил 4 май кунги сониди эълон қилинган Муҳаммад Одилининг "Пилла кам тутилмоғининг сабаби" сарлавҳали таҳлилий мақоласини "миллий матбуотимизда илк марта журналистик текширув жанрига муурожаат қилинди" деб баҳолайди. Газетанинг 1914 йил апрель-май сонларида давомли мақола сифатида босилган Чўлпон қаламига мансуб "Ватанимиз Туркистонда зирот ва деҳқончилик" мақоласини мавзунинг моҳиятига кириш нуқтаи назаридан журналист суриштирувга ўхшатади.

Нихоятда жиддий ҳулоса бу. Чакшиёт бу! Чунки "Журналист текшируви" ҳозирги замон жаҳон журналистикасида энг кўп ўқиладиган, энг кўп самара берадиган жанр даражасига кўтарилиган. Миллий матбуотимизда эса ушбу жанр имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмайди деб айтилмоғимиз мумкин. Буни қарангки, "Садои Фарғона"да шу йўналишдаги мақолалар босилган экан, унинг ҳозирги давомчиси "Фарғона ҳақиқати" саҳифаларида ҳам журналист суриштируви чиқиб турибди.

...Газетанинг 2023 йил 19 май кунги сониди шахартепалик якка тартибдаги тадбиркор-чевар Нилуфархон Содиқова айтган куйидаги сўз доно халқимизнинг ўлмас ҳикматлари янглиг дилга, хотирага муҳрланади: "Меҳр берган кўлга игна кирмайди".

Нақадар ҳалол, нақадар беғубор ва нақадар Ўзбекиона! Газета мана шундай топилмалари учун ҳам, мухлислари ва муштарийлари кўнглига илиқлик, меҳр улаша олаётгани учун ҳам яшашга ҳақли!

("Хуррият" газетасининг 2024 йил 6 мартдаги 10-сонидан олинди).

# ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИ кўرғазмага қўйилди

Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида Фарғона шаҳридаги 4-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби тасвирий санъат синфи ўқувчиларининг "Ижод сеҳри" деб номланган кўрғазмаси ташкил этилди. Унда 40 нафар ёш ижодкорнинг 200 га яқин графика, рангтасвир, декоратив композициялари ўрин олган.



Кўрғазмага қўйилган Робияхон Хайдарованинг "Қадимий бино", Беҳзодали Тўлқиновнинг "Умр", Эъзозахон Шукржонованинг "Она", Хондамир Йўлдошевнинг "Қишлоқ ҳаёти", Беҳзоджон Тўлқиновнинг "Қадимги бозор" каби асарлари томошалар эътиборини тортди.

Ёш мўйқалам соҳибларининг асарлари мени ҳайратга солди, — дейди кўрғазма иштирокчиси Феруза Абдужабборовна. — Ижод намуналарида юртимизнинг гузал табиати, миллий урф-одат ва қадриятларимиз моҳирона ва юксак дид билан тасвирланган.

Ёш мўйқалам соҳиблари кўрғазмаси икки ой давом этади.

М.БОЙБОБОВА.

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2023 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Шу ҳужжатга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 264-моддасига мувофиқ санитария жиҳатдан тозалаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишга доир айланмага ноль даражали ставка бўйича солиқ (ҚҚС) солиш кўринишидаги имтиёз 2024 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бекор қилинади.

Шунга қўра, 2024 йил 1 апрелдан Фарғона вилояти аҳолисига қаттиқ машиини чиқинди учун тўлов — шаҳар ҳудудларида бир киши учун ҚҚС билан 5600 сўм;

— туман ҳудудлари ҚҚС билан 4480 сўм қилиб белгиланаётганлигини маълум қиламиз.

"Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази" Фарғона вилоят ҳудудий филиали.

## "ҚИРГУЛИ ИССИҚЛИК МАНБАИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан қўшимча қиймат солиғи ставкасига ўзгариш киритилганлиги туфайли иссиқ сув учун янги тариф нархлари белгиланди.

Шунга қўра, 2024 йил 1 апрелдан куйидаги нархлар жорий этилади:

- 1 Гкалл учун улгуржи истеъмолчиларга – 466448,6 сўм (ҚҚС билан);
- 1 Гкалл учун аҳолига – 88088 сўм (ҚҚС билан);
- Шу жумладан, аҳолига:
- иссиқлик энергияси (отопление) 1 м.кв учун бир кунига – 152,3 сўм (ҚҚС билан);
- иссиқ сув – 1 метр куб учун – 4932,4 сўм (ҚҚС билан);
- одам сони бўйича – 1 киши учун – 31051 сўм (ҚҚС билан).

"Қиргули Иссиқлик манбаи" МЧЖ.

ДЕХҚОНОБОДЛИКЛАР

ТЕМИР БИЛАН  
“ТИЛЛАШАДИ”



Бувайда туманининг “Дехқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида темирчилик хунари кенг қулоч ёзган. Темирни қайта ишлаш, турли анжомлар ясаётган хунармандлар иши аллақачон тадбиркорлик фаолиятига айланган.

Маҳаллага кириб борганимиз ҳамон, йўлнинг икки четидаги қатор терилган уй рўзгор буюмлари, қишлоқ хўжалиги анжомлари ва қурилиш учун зарур ускуналар ёймасига дуч келдик. Хонадонларда шовқин солиб ишлаётган дастгоҳлар, темирга қайта ишлов бераётган йиғитларга кўзингиз тушади.

Худудда 827 хонадон бўлиб, 300 дан зиёд хонадонда яқка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий корхона, масъулияти чекланган жамиятлар ташкил этилган, 1400 нафарга яқин аҳоли темирчилик билан шуғулланади. Улар 40 турдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Тайёр буюмлар республикамиз ва қўшни давлатлар бозорларига юборилмоқда.

Бу хунар билан шуғулланиб келаётган



яқка тартибдаги тадбиркор Фарҳоджон Собиров Тошкент кимё технологиялари институтини менежер ихтисослиги бўйича тамомлаган. Фарғонага қайтгач, яшаш хонадонида цех ташкил қилиб, фаолият бошлаганига ҳам 10 йилдан ошибди.

– Темир контейнерларни буюртмачининг истаган ўлчовида кесиб берамиз, – дейди у. – 6 та ишчи ўрни яратиб,

маҳалладаш йиғитларни жалб этганмиз. Темирчилик иши оғир. Ишчиларга энгил бўлиши учун замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатяпмиз.

Хунарманд темирчи Адҳамжон Ҳасанов маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига 50 миллион сўм имтиёзли кредит олишига кўмак беришини сўраб мурожаат этган. Аини пайтда унинг аризаси қаноатлантириш палласида.

– Темирчилик йўли билан ўчоқ, деҳқончилик буюмлари, қайиқ, қурилишга бетон қорич ускуналарини ясаймиз. Хонадонимиз олдида чоғроққина дўконимиз бўлиб, у ерда дадам савдо ишларига ёрдам беради. Укам Анваржон Тошкент тиббиёт институти талабаси.

У ҳам таътилда шу иш билан машғул. Сир эмас, фаолиятимизда катта маблағ айланади. Кредитни олгач, иш ҳажмини ошириб, ишчи ўрнини ҳам кўпайтирамиз.

Хунармандларнинг айтишича, темирчиликнинг меҳнати машаққатли. Шунданми, ишчиларнинг кўпчилиги ёш, навқирон йиғитлар. Уларнинг берилиб, темир билан “тиллашаётган”ларини кўриб, маҳоратларига тан берамиз.

Маҳалла темирчилик соҳасига ихтисослашгани учун ҳам аҳоли ҳадеганда иш ахтариб, хоризжга ошқмайди. Уларнинг хунар ортидан топаётган даромадларидан кўнгиллари тўлади. Уйлар қуриб, тўйлар қилишяпти, фарзандларини



олиғоҳларда ўқитишмоқда.

Айни кунларда тумanning “Қоратепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 7 гектарли майдонда “Темирчилик sanoat зонаси” барпо этилмоқда. Маҳаллий тадбиркорлар ташаббуслари билан ташкил қилинаётган мазкур лойиҳанинг ишга тушиши халқимиз, ёшларимиз, тадбиркорлар учун фойдаманли бўлади. Унда 123 та ишлаб чиқариш объекти, 30 та савдо дўкони ташкил этилади, 100 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Махияра  
БОЙБОБОВА.

Рамазон ойи фазилатлари



Мустақиллик шарофатидан юртимизда Рамазон ойи рўзасини эмин-эркин тутиш имкони туғилди. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан ҳар йили муборак ойни муносиб тарзда, эзгулик, меҳр-мурувват, саховат, олижаноблик ва шукроналик билан, юқори савияда ўтказиш мақсадида қарор қабул қилинади, тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Зероки, Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида одамлилик, инсон шайъини улғулаш, яхшилик ва меҳру саховат каби фазилатлар мужассам.



ПОКЛАНИШ,  
МЕХР-САХОВАТ ОЙИ

Шунинг учун ҳам ой давомида бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни кадрлаш, оила ва маҳалларда, бутун юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Яратганга беадад шуқурлар бўлсинки, бу йилги Рамазон ойини ҳам халқимиз кўтаринки руҳда кутиб олиб, унинг ҳар бир кунини байрамона кайфиятда ўтказмоқда. Масжидларимиз юртимизга замонавий кўрк бериши билан биргаликда, уларда намозонлар учун етарли шарт-шароитлар яратиб берган.

Аллоҳ таоло ушбу ойда қилинган дуони албатта қабул қилишини ўз каломи бўлмиш Қуръони каримда ваъда берган. Юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўқин, шаҳару қишлоқларимиз обод бўлиб бораётгани халқимизнинг дуолари, холис қилаётган илтижолари Яратган даргоҳида қабул бўлаётгани натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам, Рамазон ойи нафақат рўза тутиш билан ейиш-ичишдан, ҳирсу шаҳватдан тийилиш, балки барча ёмон одатлардан ўзини тийиш, гўзал одоб-ахлоқ билан зийнатланиш, бир-бировга ёрдам бериш, покланиш оидир. Охириги йилларда гувоҳ бўлмоқдамизки, Рамазон ойда халқимизнинг баҳри дили очилиб, ўзаро инсоний меҳр-муҳаббатлари зиёда бўлмоқда. Ушбу ойда бир-бирларига моддий ва маънавий кўмак беришмоқда. Айниқса, касалманд яқка-ёлғиз, бева-бечора, етим-есирлар ва ногиронлар ҳолидан хабар

олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиляпти. Бу нараса юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахтиёр, ўзаро меҳр-муҳаббатли яшашига, жамиятимиз тинч бўлишига гаров бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ой инсонни камолот сари етакловчи – раҳмат ва мағфират оидир. Бу ойда тугтиладиган рўза амали инсонда ўз нафсини бошқара олиш, сабр-қаноатли бўлиш, мақсад сари собитқадамлик билан интилиш каби фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Рўза инсонни ҳалол-поқликка даъват этади, унинг қалбини турли ғуборлардан тозалайди. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар қишланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ маҳрум бўлибди”, дедилар” (Насайи ва Байҳақий ривояти).

Рамазондан бошқа ойлarning бирортаси бу сифат ила васф қилинмаган. Демакки, у ойлр ичида энг афзали, энг баракалиси, энг улуги ўн икки ойнинг султонирид. Шояд, Яратган ағам мўмин-мусулмонларга ойнинг рўзасини тутмоқликни фарз қилди.

Аллоҳ таоло Рамазони шариф кунларини барча-мизга баракали қилсин!

Файзулло АБДУРАҲМОНОВ,  
Фарғона шаҳар “Аҳмаджон қори”  
масжиди имом-хатиби.

O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

**Барча юртдошларимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан табриклайди!**

**Гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янги-ланиш, меҳр-оқибат байрами – Наврўз элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!**

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ОМОН БЎЛСИН!**

**НАВРЎЗИ  
ОЛАМ БАРЧАМИЗГА  
МУБОРАК БЎЛСИН!**

# "ФАРҒОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АЖ



"Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти томонидан вилоятдаги жами

**907 663** та, шундан

**852 063** нафар аҳоли,

**55 600** та улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилмоқда.



Вилоятнинг бир кунлик электр энергияси истеъмоли

**22,0 млн.** кВт. соат,

ойлик **675 млн.** кВт. соатни ташкил этади.

2023 йил давомида **5,8**

**млрд.** кВт. соат, шундан

**2,3 млрд.** кВт. соат

аҳолига, **3,5 млрд.** кВт. соат улгуржи истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилди.



Бу 2022 йилга нисбатан

**416 млн.** кВт. соат ёки 8 фоизга кўпдир.

Ўтган қисқа вақт ичида вилоятимиз ҳудудларига қўйилган

қувват **31,5 МВт** бўлган қуёш панеллари туфайли

**41,5 кВт** электр энергияси иқтисод қилинди. Натижада истеъмолчилар

**36,7**

**млрд.** сўм маблағни тежашга эришдилар.



Жамият томонидан белгиланган режага мувофиқ, яқинда Қўқон шаҳридаги "Қўқон", Марғилон шаҳридаги "Марғилон" подстанцияларига ҳар бирининг қуввати

**40 МИНГ** кВтдан бўлган 2 та янги куч трансформатори олиб келинди.

Тез орада мазкур подстанциялар қуввати оширилиб, **50**

**МИНГ** нафардан ортиқ

аҳоли ҳамда **3200** дан ортиқ улгуржи истеъмолчиларнинг электр таъминоти яхшиланади.



Паст кучлинишли электр узатиш тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш бўйича муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан белгиланган "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" дастурларига мувофиқ, вилоятимиздаги маҳаллаларда амалий ишлар жадаллик билан давом этмоқда.

**Қадрли юртдошлар, азиз фарғоналиклар!**

**Ўлкамизда Наврўзи олам — йилнинг энг қутлуғ кунлари нишонланяпти. "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ Сизларга узоқ, бахтли умр, оилангизга қут-барока, барча эзгу ниятларингизга ижобат тилайди. Уйингиздан ҳеч қачон нур аримасин, қалбингиз қувончга тўлсин!**

**НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

МУАССИС:  
"Farg'ona haqiqati" va  
"Ferganskaya pravda"  
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:  
Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета жума куни чиқади.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 3181 нусхада чоп этилди.  
Буюртма: 182.

★ Баҳоси келишилган нарҳда. ★ Навбатчи муҳаррир: Махияра Бойбобоева.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.

Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.

Босишга топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 16.00.

ISSN 2010-6370

9 772010 637006